O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI
INV.№ 01000

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 27 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 74 (7269)

Da'vat

Ақл-идроку адолат бирла сўз айт доимо,
Барча маъно бўлса жам, сўнг эт баён не муддао.

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

Ibrat

Оддий деҳқон Қаландар бобо Раҳимов ўз қишлоғидаги Навбаҳор тумани халқ таълими бўлимига қарашли Собир Раҳимов номидаги мактабга 190 минг сўмлик 2-, 3-синфлар дарсликларини ҳадя қилиб, мурувват кўрсатди.

ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар хорижий давлатлардаги нуфузли илм даргоҳларининг намояндалари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Бу ўзгаришларнинг бошида турган Президент Ислом Каримов кўплаб обрўли академияларнинг фахрий аъзоси, университетларнинг фахрий доктори унвонларини олган.

25 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган тадбир мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли тўғрилигининг ва жаҳон афкор оммаси эътирофининг яна бир намойишига айланди. Шу йил 29 май куни Нидерландиянинг Фонтис университети илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига «Фахрий доктор» унвони беришга қарор қилган эди. Маросимда мазкур университет президенти Норберт Фербраак Ислом Каримовга «Фахрий доктор» дипломини тантанали равишда топширди.

Фонтис университети 1949 йили ташкил этилган. У Голландиядаги олий касбий таълим берувчи муассасаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фонтис сафига ўттиздан зиёд ўқув марказлари, институт, факультетлар бирлашган. Уларда уч мингга яқин мураббий 30 мингдан зиёд талабага амалий технологиялар, халқаро транспорт, иқтисод, молия, банк ва суғурта иши, соғлиқни сақлаш, санъат, психология каби талай йўналишлар бўйича таълим беради. Университетнинг нуфузи, илмий даражаси ва салоҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг йиллик бюджети 200 миллион евродан зиёд эканлигини айтишнинг ўзи кифоя.

Фонтис университети бир неча мамлакатда ўзининг бўлимларига эга. У илм-фанни ривожлантириш борасида Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби кўплаб халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайтда у Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳа доирасида мазкур университетда Интернет билан уланадиган компьютер тармоғи барпо этилди, уни бошқариш учун мутахассислар хорижда тайёргарликдан ўтказилди.

Фонтис раҳбарияти Ўзбекистонга Президент Ислом Каримовга диплом топшириш билан бирга, бошқа хайрли ниятлар билан ҳам келган. Улар орасида Ўзбекистон-Голландия университетини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, мамлакатимиз таълим масканлари билан алоқаларни янада чуқурлаштириш мақсадларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Илм-фан чегара билмайди. Бу ҳақиқат дунёда глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган ҳозирги пайтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Маросимда таъкидланганидек, турли ўлка одамлари турлича шароитда ҳаёт кечиради. Масалан, Голландия заминининг 50 фоизи денгиз сатҳидан қуйида жойлашган, шу боис мамлакат аҳли учун сув ҳайдаб ер очиш йўлидаги ўзига хос кураш жипслаштирган. Ўзбекистонда бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Бизда сув танқислиги муаммоси мавжуд. Лекин ҳар икки шароитда ҳам олимлар, мутахассислар бир-бирининг тажрибасидан фойдаланиши яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки, бу икки хил кураш аслида икки қутбга ўхшагани билан, уларнинг тартиби, тузилиши, фойдаланилаётган технологиялар, мазмуни деярли бир хил. Бу бир мисол, холос. Моҳият шундаки, илм-фан марказлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш катта натижаларга олиб келишини инобатга олган ҳолда, бу соҳадаги алоқаларни кенг ривожлантиришга киришишдир.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори Президент Ислом Каримов малакали кадрларсиз порлоқ келажакни тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўп бор таъкидлаган. Айни пайтда, мазкур дастурга мувофиқ, юртимизда таълим соҳаси кенг ислоҳ қилинмоқда, кўплаб янги коллеж ва лицейлар очилмоқда, талаба ва ўқувчиларимиз чет эллардаги нуфузли илм масканларида таҳсил олмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртлари хориждаги турдош илм муассасалари билан ҳамкорликни тобора ривожлантиряпти.

Фонтис президенти мамлакатимиздаги ана шу ўзгаришларни таъкидлар экан, Ўзбекистонни изчил равишда янги демократик жамият қурилиши йўлидан бошлаб бораётгани, ўз асарлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшаётгани учун Ислом Каримов шундай юксак унвонга сазовор бўлганини таъкидлади. Яна бир муҳим жиҳатни таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Президенти Фонтис университетининг фахрий докторлик унвонини олган ягона давлат раҳбаридир.

Ислом Каримов бу унвон Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг яна бир эътирофи эканлигини қайд этар экан, айни пайтда таълим соҳасидаги улкан ислоҳотлар самараси, бу ислоҳотларни амалга ошираётган инсонларнинг меҳнати, мамлакатимизнинг ақлий салоҳияти, ўзбекистонликлар юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини асраб-авайлаб, ўрганиб, ривожлантираётгани халқаро миқёсда тан олинаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, Президентимиз ўзига «Фахрий доктор» дипломининг тақдим этилишини янада яқинроқ ҳамкорликка таклиф, деб билишини ва Фонтис раҳбариятининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан, Голландия мисолида кўриш мумкинки, ҳар қандай тараққиёт, қудратли иқтисодиёт асосида ақлий бойлик ётади. Таълим соҳасига ётқизилган сармоя вақти келиб ғоят катта самара беради. Ўзбекистонда бюджетнинг учдан бир қисми таълим соҳасига сарфланаётгани, имкон қадар кўпроқ ёшларимизнинг чет эллардаги нуфузли илм масканларига ўқишга жўнатилаётгани, мураббийларнинг тажриба алмашиш ва малака оширишга учун хорижга сафарлари уюштирилаётгани шундан. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги остида барча соҳалар каби, таълим, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ***Қ А Р О Р И***

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи орган ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфидаги мавжуд вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини кўриб чиқиб, уларнинг янги таркибларини тузсинлар.

Комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозими жорий этилсин.

4. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

давлат идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганларнинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш;

жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтирсин, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитлари синчиклаб ўрганилиши ва бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциялар фаолиятининг самарадорлигини оширсин, ҳар бир участка инспекторидан ўз ҳудудида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун масъул эканлигини қатъий талаб қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтирсинлар, яшаш жойларида нотинч оилаларни, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги идоралари руҳий касалга чалинган, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган вояга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда уларни даволаш ишларини қатъий йўлга қўйсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, ҳокимликлар, ички ишлар органлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсинлар ва уларнинг бу масалада бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳволини муҳокама этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ва қуйи комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 21 сентябрь

СИНАЛГАН ДЎСТ – ҚАРИНДОШДАН АФЗАЛ

Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий биродарлик, асрий дўстлик неча-неча синовлардан ўтган. Бугунги кунда ҳам мустақил тараққиёт йўлини танлаган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябрь куни расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахти Бишкекка жўнаб кетиш олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервюсида ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигига мисол қилиб ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган воқеаларни яна бир бор эсга олди.

— Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинади, деган нақл бор, — деди Ислом Каримов. — Биз террорчи гуруҳлар Боткенга хуруж қилганида қирғиз халқи билан елкама-елка турдик. Қирғизистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг жиноий тўдаларга қарши курашда фикрларимиз бир жойдан чиқаётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг изчиллигини таъминлаб, азалий дўстлигимизни мустаҳкамлашга, ўзаро янада яқинлашишимизга асос бўлмоқда.

Ислом Каримовнинг Қирғизистонга расмий ташрифига томонлар алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, ушбу сафар давомида Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг ўзаро муносабатлари ривожи учун муҳим бўлган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилаётир. Жумладан, ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги алоқаларни кучайтириш тўғрисида Баёнот қабул қилинади ҳамда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланади. Шунингдек, Бишкекда божхона, консуллик алоқалари ва қонун ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблаштириш борасидаги келишувларга ҳам имзо чекилади.

Маълумки, жорий йил октябр ойининг охирларида Қирғизистонда президент сайлови бўлиб ўтади. Айни пайтда мамлакат Марказий сайлов комиссияси олти нафар номзодни расман рўйхатга олган. Даъвогарлар орасида Қирғизистоннинг айни пайтдаги раҳбари Асқар Акаев ҳам бор. Ўзбекистон жамоатчилиги қўшни давлатда юз бераётган бу жараённи катта қизиқиш билан кузатиб боряпти.

Ислом Каримов Қирғизистондаги мазкур муҳим тадбир хусусида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

— Ушбу сиёсий жараён, албатта, қўшни республиканинг ички иши. Шу сабабли четдан туриб бу тадбирга қандайдир таъсир ўтказишга уриниш ножоиздир. Сайловда кимнинг ғолиб бўлиши, аввало, Қирғизистон халқининг, яъниким сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

«Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим"

Ислом КАРИМОВ

Istiqlol ma'rifati

Муҳаммад ҚУРОНОВ

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Бешинчи мақола

Юртбошимизнинг ушбу фикридан мустақиллигимизни ғоявий, мафкуравий ҳимоялаш уни қўлга қурол олиб ҳимоялашдан ҳам муҳимроқ, деган хулосани чиқаришимиз мумкин. Демак, бугун бизнинг, яъни ижтимоий сиёсий фанлар вакиллари зиммасига ўта масъулиятли, тарихий, миллий вазифа юкланган. Бу — Ўзбекистонимизнинг мустаҳкам, ишончли мафкуравий ҳимоясини таъминламоқдир.

Ҳар бир жамиятни психологик, мафкуравий ва иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг асосий шартларидан бири — инсон характерини, мафкурасини ўзгартиришдадир. Лекин тарихдан маълумки, бу вазифани инсонпарварона ҳал этиш ҳамма вақт ҳам амалга оширилавермаган. Чунки мустамлакачиларнинг зўғуми, якка партиявийлик тамойиллари ушбу муаммони ҳал қилишнинг илмий усулини инкор қилиб келди. Ваҳоланки, халқнинг маънавияти ва мафкурасини ўзгартириш қатор маърифий, илмий тадбирлар орқали амалга ошади. Шу сабабли миллий мафкурани шакллантириш ва тарғиб этиш фанлараро ёндашувга, синтезга таянишни тақозо қилмоқда. Жумладан, мафкуравий тарбияни такомиллаштириш учун: 1) "мафкуравий тарбия-ижтимоий-педагогик муаммо" сифатида ифодаланиши; 2) муаммонинг тарғибот ва ташвиқотга оид сабабларини ўрганиш; 3) уларни ечиш учун нималар қилмоқ кераклиги ҳақидаги саволларга биргаликда жавоб излаш вазифаси турибди.

Биз — ўзликни англаш, тикланиш, юксалиш сабоғини кўрган миллатмиз. Бу дарсни бизга буюк Соҳибқирон ўтган. Ҳозир эса ватанпарварона миллий юксалиш дарсини қайта ўтмоқдамиз. Бу дарс, давр ёшларимизда шонли интеллектуал қудратимизни тиклаши, чархлаши, чиниқтириши керак. Чунки XXI асрда инсоният ватанпарвар, амалий заковатга эга миллатга эргашади. Тарихдан маълумки, фақат уюшган, амалий-заковатли миллатдагина инсоният орзу қилувчи барча нарса муҳайё бўлади. Миллатнинг юксалиши ёки аксинча, инқирозга юз тутиши ўша мамлакатдаги ҳар бир шахснинг, фуқаронинг мафкурасига бевосита боғлиқ. Зеро ҳар бир инсоннинг фазилати ёки нуқсони нафақат ўзининг, оиласининг, балки миллат, мамлакатнинг саодати ёки ҳалокатига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбек халқининг бошқа халқлардан орқада қолмаслиги ва дунёнинг пешқадам миллатларидан бирига айланиши кўп жиҳатдан Ўзбекистон мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим тизимида мафкуравий тарбиянинг қандай ташкил қилинишига боғлиқ. Шу сабабли сиз — муҳтарам педагог маслакдошлар билан мафкуравий тарбиянинг ҳозирги масалаларига, ўзимизнинг фаолиятимизга танқидий назар ташлаб, учраётган камчиликларимизни тузатиш йўлларини бирга қидиришга жазм қилдик.

Ҳар бир тингловчи, талаба, фуқарода, миллат, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ўзига яраша билимлар, шахсий муносабат бор. Ҳамма талабанинг мафкураси бир хил, деб ўйласак хато бўлади. Шу сабабли ҳар бир аудиторияда маъруза бошида тингловчилар билан қисқа савол-жавоблар ўтказиб, аудиториянинг ўртача савиясини аниқлаб олиш лозим. Ана шунда уларни ўзингиз кўтармоқчи бўлган даражага олиб чиқиш тез кечади.

(Давоми 2-бетда)

Болалар боғчаларида таълим-тарбиянинг ноанъанавий шакл, самарали усуллари ҳамда янги педагогик технологияларни қўллаётган, изланувчан, ўз касбига ижодий ёндашадиган тарбиячилар талайгина. Ана шундай мураббийлардан бири Андижон вилоят Жалолқудуқ туманидаги 2-болалар боғчаси тарбиячиси Гулнора Мадаминовадир. Гулнора мурғак қалблар кўнглига шу даражада йўл топганки, дилбандлар унинг ҳар бир саволига тўғри, аниқ жавоб беришиб, топшириқларини бир зумда бажаришди. Г.Мадаминова "Йил тарбиячиси — 2000" республика кўрик-танлови фестивалида қатнашиб, "Тадбиркор тарбиячи" унвонини олиш шарафига муяссар бўлди.

Суратда: "Тадбиркор тарбиячи" унвони соҳибаси Гулнора Мадаминова болажонлар билан машғулот ўтмоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

«Ma'rifat» *XXI асрнинг биринчи йили учун газетасига обуна давом этмоқда.*

Шунингдек, "Учитель Узбекистана" газетаси, "Таълим тараққиёти" ахборотномаси, "Халқ таълими", "Бошланғич таълим", "Соғлом авлод учун", "Мактабгача таълим", "Тил ва адабиёт таълими" журналлари ҳам сизнинг нашрингиздир. Шошилинг, азизлар!

ЁШЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Тошкентда «Камолот» республика ёшлар жамғармасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда 1996-2000 йилларидаги фаолият якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишда жамғарма муассис-ташкилотлари ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи тузилмалар раҳбарлари, пойтахтдаги олий ўқув юртлари ректорлари, шунингдек, «Камолот»нинг вилоят ва туман бўлинмалари ҳамда улар ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик марказлари раислари иштирок этди.

Йиғилишни Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё бошқарди.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев ўзининг ҳисобот маърузасида Президент Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ 1996 йилда ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифаси - ёшларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни ислоҳотларни амалга оширишга жалб этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Ёш авлодни маънавий ва жисмоний соғлом этиб тарбиялаш, уларни миллий мустақиллик ғояси билан руҳлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устивор йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ёшлар муаммоларини ҳал этиш кўпгина давлат ва жамоатчилик тузилмалари, хусусан «Камолот» жамғармасининг муҳим ишига айланган. Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, бандлиги, таълим, йигит ва қизларнинг маданий даражасини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг дам олишини ташкил қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жамғарма бўлинмалари нафақат вилоят ва туманларда, балки кўпгина ўқув муассасалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритмоқда. Жамғарма бир қатор дастурларни амалга ошириляпти, хусусан қишлоқ жойларида янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда. Қисқа муддатда зарур касбни эгаллаш мумкин бўлган турли курслар, марказлар тузилмоқда. Бундан ташқари жамғарма ҳузурида ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ёш авлодни соғломлаштириш билан шуғулланувчи «Камолот-Қонун», «Камолот-Саломатлик» ва бошқа муаммо марказлари ташкил этилган.

«Камолот» жамғармаси мукофоти учун спортнинг кўпгина турлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказиш анъанага айланмоқда. Бундан ташқари «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳамшира», «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи бўйича ўтказилаётган республика танловлари ёшлар ўртасида кенг оммалашиб бормоқда. Уларда ҳар йили 280 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этмоқда.

Йиғилишда жамғарма фаолиятида бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги қайд этилди. Хусусан, ёшларни миллий мустақиллик ғояси, ватанпарварлик, халқимиз танлаган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлига содиқлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш зарур. Бунинг учун «Камолот» бўлинмалари ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, жамғарма дастурларини амалга оширишга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим.

Йиғилишда жамғарма бошқарувининг янги таркиби тасдиқланди.

«Камолот» республика ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси этиб Комилжон Юсупов сайланди.

Анна Иванова, ЎзА мухбири.

Улар ким, қандай кишиларнинг фарзанди, бундай фидойи фарзандларни ким тарбиялаган ва улар қандай жасорат кўрсатганлар? Буни бугун ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир фуқаро билиши, ёдда тутиши керак.

Ўзига билдирилган ҳурмат ва талаб тингловчи талабаларнинг қулфи-дилини очади. Ҳаяжонлантиради. Тўлқинлантирган, ҳаяжонлантирган маълумот, образли билим хотиради мустаҳкам қолади.

СИНАЛГАН ДЎСТ – ҚАРИНДОШДАН АФЗАЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин мен бир гапни айтмоқчиман. Биз Қирғизистоннинг бугунги раҳбарияти билан шунча йиллардан буён самарали ишлаб келяпмиз. Доимо бир-биримизга кўмак бердик, зарур вақтларда елкадош бўлдик, турли синовлардан биргаликда ўтдик. Шунинг учун, агар мен Қирғизистон фуқароси бўлганимда, босиб ўтилган шарафли йўлни, бугунги иқтисодий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, албатта, Асқар Акаев учун овоз берган бўлар эдим. Бу мустақил давлатнинг ички ишига аралашиш эмас, балки биродар халқ вакилининг ўз қардошларига айтган дил сўзларидир.

Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувларида доимо Афғонистон масаласи кўтарилади. Чунки бу давлатдаги урушни бартараф этиш, кўшни юртда тинчлик ўрнатишда Ўзбекистон кўп саъй-ҳаракат қилмоқда. Журналистларнинг давлатимиз раҳбарига Афғонистон масаласида бот-бот мурожаат қилиши мамлакатимиз ҳукуматининг бу муаммони ечиш йўлида олиб бораётган сиёсатига бўлган катта қизиқишнинг натижасидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлардан ҳам маълумки, бугунги кунда Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар жуда фаоллашиб қолди. «Толибон» ҳаракати кучлари «Шимолий иттифоқ» вакилларининг асосий таянч пункти бўлмиш Панжшер дарасини ишғол қилишга бор кучини ташлаган ва айни пайтда бу ерда шиддатли жанглар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистон бу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига қаратилган барча саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлаб келганини яна бир бор таъкидлади. Афғонистонда барқарорлик бўлмас экан, Марказий Осиёдаги халқлар ҳам хотиржам яшай олмайди, деди Ислом Каримов. Президентнинг айтишича, Афғонистоннинг катта геосиёсий ўйин майдонига айланиб қолгани бу юртда минглаб қурбонларга, қанча-қанча болалар сағир бўлишига олиб келди.

— «Толибон» ҳаракатининг сўнгги кунлардаги муваффақиятли юришлари, Афғонистоннинг минтақамиз билан чегарадош ҳудудларда ўз назоратини ўрнатаётгани кимлардадир хавотир ҳам уйғотиши табиий, — деди Президент. - Ўзбекистон шу вақтгача Афғонистон билан бирор марта ҳам можарога бормаган, унинг ички жанжалларига аралашмаган. У ерда ҳокимият талашаётган ҳеч қайси гуруҳга кўмак бермаган. Биз «Толибон» ҳаракатини ҳам, унинг мақсадлари ва сиёсати қандай бўлишидан қатъи назар, Афғонистондаги йирик сиёсий куч сифатида қабул қилганмиз.

Ўзбекистон кўшни давлатда тинчлик ўрнатиш борасида толибларнинг ҳам фикрини эшитишга доим тайёр бўлган. Жумладан, ўтган йили «олти плюс икки» гуруҳининг Тошкентдаги учрашувида «Толибон» вакиллари ҳам иштирок этгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Афғонистондаги барча кучларнинг тинчлик йўлида ўзаро келишувга эришиши тарафдори. Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, албатта, биз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб турмоғимиз даркор. Бироқ хавотирга тушишга ҳам асос йўқ. Бизнинг ҳар қандай хавфни бартараф қилишга қудрати етадиган қуролли кучларимиз бор.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Бешинчи мақола

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, одам ўз қарашларига мос нуқтаи назардан бошланган маърузага қизиқади. Масалан, талабалар ўз келажагини (масалан, беш йилдан кейин) қандай тасаввур қиладилар? Бу савол ҳар бир кишини, талабани ҳам қизиқтириши табиий. Демак, истиқболни кўрсатиб қизиқтириш, йўналтириш лозим. Ана шу қизиқиш сизнинг мушкулингизни осон қилади. У сиз бераётган билимлар солинган вагонларни талаба онгига тортиб кирувчи локомотивга айланади. Ундан сўнг талабанинг келажаги миллий бирликка, Ўзбекистонимизнинг тинчлигига, бу эса, ўз навбатида — ҳар бир кишининг Ватан ҳимоясига шайлигига боғлиқлиги уқтирилади. Ўзига билдирилган ҳурмат ва талаб тингловчи талабаларнинг қулфи-дилини очади. Ҳаяжонлантиради. Тўлқинлантирган, ҳаяжонлантирган маълумот, образли эса билим хотирада мустаҳкам қолади.

Мафкуравий тарбияда ички мафкуравий таҳдидлар билан кураш моҳиятини тушунтириш катта аҳамият касб этади. Чунки диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш билан бир қаторда миллий мафкура ички таҳдидларга ҳам қарши курашмоғи керак. Президентимизнинг бундан 6 йил олдин 1994 йил Ёзувчи зиёлилар билан ўтказилган учрашувда айтган "ўзимиздан сотқин чиқмаса ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди" деган фикрлари миллий бирлигимизни эҳтиёт қилиш, кўз қорачиғидай асраш учун абадий шиоримиз бўлиб қолмоғи керак. Халқ мақоллари ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

"Яхши йигит — эл тузар, ёмон йигит — эл бузар!" мақолини эслайлик. Ўзбекнинг мард ўғлонлари хориждан инвестицияларни, олий мақомдаги университетлар дипломларини, технологияларни, чемпионликнинг олтин медалларини олиб келаётибди. Ўзбекнинг номард ўғлонлари эса ажнабий овқатини еб, "элингни от, бизга қул қилиб бер" деб берган ақчага учиб, ота-боболари хоки ётган Ватанга ўқланган қурол билан киришга уринмоқда. Демак, ўзимизга ўзимиздан чиқаётган таҳдидлар ҳам бор. Ташқи ва ички мафкуравий таҳдидлар ўзаро боғлиқ. Ички мафкуравий таҳдидлар ташқи мафкуравий таҳдидга ёрдам беради. Булар қандай таҳдидлар бўлди? Уларни қаердан қидирмоқ керак? Ўзимиздан. Ичимиздан. Президентимиз асарларида танқид остига олинаётган иллатлардан. "Фидокор" газетасида 2000 йил 8 июнда эълон қилинган "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман", деб номланган суҳбатда Президентимизнинг "Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввало мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда" деган фикри шу йилнинг 8 июнь ойида айтилган бўлса-да, 2000 йилнинг августида содир бўлган ҳарбий амалиётларнинг мафкуравий сабабларини айтиб беради.

Вазият миллатни лоқайдлик уйқусидан уйғотиш учун мафкура полигонларига ядро полигонларидан ҳам кучли эътибор қаратишимизни талаб қилмоқда. Бу таълим-тарбияда қандай намоён бўлади? Аввало халқимизни бўлувчи, бир-биримизни бир-биримиздан ажратувчи, совет давридан қолган иллатлар: маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик, уруғ-аймоқчилик, ҳасадгўйлик, қўполлик, бефарқлик, ўзининг миллий, фуқаровий бурчларини англамаслик, кўчада, маҳалла, қишлоқ, бозор, ўқув юртларида миллий бирлигимизга зарар келтираётган нарсаларга фикр билан, сўз билан, қўл билан ҳар куни, Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ерида ҳозир қарши туришимизни ва бунга ёшларимизни ўргата боришимизни талаб қилмоқда. Бу эса "Миллатпарварлик", "Ватанпарварлик" тушунчаларини амалий тушуниш ва тушунтиришни тақозо этади. Яъни, Ўзбекистонни севиш бу бир географик кенгликни севиш эмас. Ўзбекистонни севиш бу — Ўзбекистоннинг давлат чегараси ичидаги ҳамма нарсани: ҳавоси, суви, тупроғи, дарахти, чўпи, боғи ва энг муҳими — ўзбекистонликларни амалда севишдир. Бу миллий мафкуравий бирлигимизни мустаҳкамлашнинг ахлоқий таянчи бўлади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда миллий ғоя ва миллий мафкурамизни сингдириш ўзига хос сиёсий-педагогик маҳоратни талаб қилади. Муваффақиятнинг бош шарти — маърузачи томонидан далиллар системасидан самарали фойдаланишдир. Бунинг учун маъруза ҳаётий фактлар билан бойитилмоғи керак. Чунки ҳар бир фуқаро биздан душманларимизнинг ёвуз ниятини ва бизнинг йўлимиз ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқ меъёрлари нуқтаи назаридан ҳақлигини исботловчи янги маълумотлар, янги далилларни кутмоқда. Бундайлар эса кўп. Чунки мафкуравий курашлар давом этмоқда. Демак, мафкуравий маълумотлар ҳам янгилана борилиши керак.

Биз ўқитувчи профессорларнинг далиллари ТВ, радио, газета-журналлардаги маълумот ва хабарлардан нимаси билан фарқ қилади? Гап шундаки, ТВ, радио, оммавий ахборот воситалари маълумотларни қайд қилишади, аҳолини хабардор қилишади. Биз эса бермоқчи бўлган маълумотни талабаларга маълум мафкуравий билимлар, ҳаёт, ислоҳотлар билан пайванд қилишга масъулмиз. Ана шунда сиёсий, статистик маълумот, янгилик мафкуравий тарбия воситасига айланади.

Масалан, "Мусулмон биродарлар" ҳаракатининг "Ҳизб ут-Таҳрир" диний ташкилотининг халифалик давлатини қуриш тўғрисидаги иддаоларини фош қилишда бу сиёсатнинг туб мақсади бутун дунёни мусулмон қилиш эмас, балки одамларни ўз тарихи, миллатидан ажратиб олиб, бутун дунёга ҳукмронлик қилиш эканлигини мисоллар орқали етказиш, уқтириш лозим.

Ўрганилаётган мавзуни ҳаёт, амалиёт, тингловчининг манфаатлари билан боғлаш — мафкуравий тарбиянинг бош талабидир. Билим, ғоя қанчалик жозибали бўлмасин, агарда талабаларнинг бугунги ҳаёти, шодлик ва орзулари билан боғланмаса, у мафкуравий эътиқодни, иммунитетни шакллантира олмайди. Чунки талабанинг мафкураси — унинг ҳаётда кўрган, эшитган мафкуравий мисоллари, орзу-ҳаваслари, қизиқишлари, ва муносабатларининг намойиши — инъикосидир. Талаба томонидан Ватан, миллат манфаати учун, амалга оширилган ҳар бир хатти-ҳаракат мафкуравий тарбия ютуғидир.

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Инсон икки нарсани — Ватан ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Бир Ватан ва халққа мансублик эса кишига умр бўйи масъулият юклаб бораверади. Бу иккисини ҳар қандай ёвуз кучдан ҳимоя қилиш — шу Ватан фарзанди, шу халқ вакили бўлган ҳар бир йигит учун муқаддас бурч, шарафли вазифа.

Мамлакатимиз жанубий чегараларига суқулиб киримоқчи бўлган халқаро террорчи газандаларга қарши курашишда Маҳмуджон, Алишер, Ғафуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли ёш-ёш навқирон йигитларимиз ана шу муқаддас бурч, шарафли вазифани садоқат билан бажариб, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Улар ким, қандай кишиларнинг фарзанди, бундай фидойи фарзандларни ким тарбиялаган ва улар қандай жасорат кўрсатганлар? Буни бугун ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир фуқаро билиши, ёдда тутиши керак. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари томонидан ёзилган "Ватан фидойилари" китобчаси ана шу баҳодир ўғлонларимиз қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Она ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо этган қаҳрамонларнинг мислсиз жасорати ҳақида ҳали кўп асарлар ёзилажак. Зеро, уларнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасурлик, фахру ғурур тимсоли бўлиб қолади. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

Китобча республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ташаббуси билан "Маънавият" нашриёти томонидан Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида чоп этилди.

(ЎзА)

"ЎЗГАРАЁТГАН ЖАМИЯТДА МАКТАБНИНГ ЎРНИ"

"Ле Меридиан" меҳмонхонасида БМТнинг болалар жамғармаси ҳомийлигида "Ўзгараётган жамиятда мактабнинг ўрни" мавзуида халқ таълими вакилларининг халқаро семинари ўтказилаётир.

—Жамият ўзгариши асосида таълим тизими ҳам тубдан янгиланди, — деди Халқ таълими вазирлиги умумтаълим бўлими бош мутахассиси Декабрина Ли "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад, кейинги йилларда таълим тизимида қилинаётган ишларни сарҳисоб қилиш, қардош ҳамкасблар билан тажриба алмашишдир. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан келган ҳамкасбларимизга бизда таълим андозалари давлат томонидан тасдиқланганлиги, дастурлар ишлаб чиқилганлигини гапириб берганимизда қардошларимизнинг ҳаваси келди.

ЮНИСЕФ ташкилотидан ташриф буюрган тренерлар семинар иштирокчилари билан ўқув машғулотлари, тренинглар ўтказиб, жаҳон таълим тизими янгиликлари ҳақида ҳам маълумот бериб боришмоқда.

"Туркистон-пресс"

ДАРСЛИКНИНГ "БЕШИК ТЎЙ"И

Taqdimot

Инглиз тили — халқаро тил ҳисобланади. Шу боис уни ўғил-қизлар қаторида мустақил ўрганувчилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Инглиз тилини мукаммал ўрганиш учун эса дарсликлар, луғатлар ва ўқув қўлланмалари зарур бўлади. Айни кунда халқаро Сорос жамғармаси кўмагида ва Британия Кенгаши ҳамда Очиқ жамият институти ҳамкорлигида бу борадаги муаммолар барҳам топаяпти. Яқинда РТМда ўтказилган умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчиларига мўлжалланган "Fly High 5" номли Инглиз тили дарслиги тақдимотига бағишланган учрашувда ҳам ана шу хусусда гапирилди. Унда Буюк Британия элчихонаси, шунингдек, Британия Кенгаши ва Очиқ жамият институти вакиллари, дарслик муаллифлари, шаҳар мактаблари инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев очиб, дарсликни яратишда иштирок этганлар меҳнатини юқори баҳолади ҳамда Британия Кенгаши ва Очиқ жамият институти вакилларига, муаллифлар гуруҳига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Кристофер Ингам бу борадаги ҳамкорликнинг давом этишига яхши асос яратилганлиги ҳақида сўзлаб, дарсликка меҳнатлари сингган Лутфулла Жўраев, Светлана Хан, Ўринбой Ҳошимов ва бошқа муаллифларни, безакчилар Ольга Бакеткова, Надежда Сучкова, бош консультант Диана Любельскаларни бирма-бир тилга олди.

Британия Кенгаши тил маслаҳатчиси Мартин Севьёр эса бугунги тақдимотни ўзбекнинг илк фарзандига атаб қиладиган бешик тўйига қиёслади. Чинданам "Fiy High 5" дарслиги эзгу ишнинг бошланиши бўлиб, келгусида ана шу тахлитда 6,7-синфлар дарсликлари яратилади. Чунончи, муаллифлар гуруҳи иш жараёнида маълум маънода ўзига хос иш тажрибасига эга бўлишди.

Энг муҳими, "Fly High 5" дарслигида матн ва суратларнинг чиройли берилиши киши диққатини ўзига тортади. Уни варақлаб чиқилиши асосидаёқ ҳар бир ўғил-қизда китобни ўрганишга, ўзлаштиришга иштиёқ уйғотади. Иштиёқ эса билим олиш сари қўйилган илк пиллапоядир. Кейинги жараён ўз-ўзидан давом этиши шубҳасиздир.

Тақдимотда бу каби муҳим омиллар хусусида сўз юритилиб, ҳозир ушбу дарсликни юртимиз ўқувчилари ва ўқитувчиларни яхши қабул қилишаётгани ҳам таъкидланди.

Руҳшуносларнинг эътироф этишича, кишилар чин кўнгилдан қилган меҳнатидан роҳатланиб, завқланиш ҳиссини туяр эканлар. Ҳаттоки, бажарган ишларига қараб-қараб қўярканлар. Биз ҳам учрашувда китоб муаллифлари ҳолатларини кузатиб ана шу жиҳатларни пайқадик. Бу кайфият, бу руҳ учрашув иштирокчиларига ҳам "юқди" десак муболаға бўлмайди. Ният шуки, ўз ишидан мамнунлик ҳисси туйиб, меҳнатини кўз-кўз қиладиган учрашувлар, юракларга илиқлик бағишлайдиган тадбирлар, шу кунгидек "Бешик тўй"лар юртимизда кўп бўлсин!

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

БИЗНЕС-МАКТАБИ ҒАЛАБАСИ

Нарпай туманидаги бизнес-мактаби ўқув-тажриба хўжалигининг 29 гектар ер майдонига мамлакатимиз миллий бойлиги – пахта экилган бўлиб, ушбу илм даргоҳи жамоаси ўз олдига давлатга 42,5 тонна "оқ олтин" топширишни мақсад қилиб қўйган эди.

Ўтган шанба куни бу илм даргоҳи ўқитувчи ҳамда ўқувчилар жамоалари самарали меҳнатлари натижасида бор-йўғи 9 кун ичида мўлжалдаги режа ортиғи билан бажаришди.

Айни пайтда, бизнес-мактаби жамоаси кун сайин яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунигача белгиланган режадан ташқари яна қўшимча равишда 12 тонна пахта теришиб, умумий кўрсаткични 55 тоннага етказиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятидадир. Тажрибали раҳбар Зиёдилла Узоқов бошлиқ мазкур жамоа аъзолари бу йилги пахтадан олинган даромадни 3,3 миллион сумга етказиш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Самарқанд вилоят ЎМКҲТ бошқармаси Нарпай бизнес-мактаби жамоасини эришилган зафарлари билан самимий табриклаб, махсус совғалар топширдилар.

Н.УСМОНОВ

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИДА ШАХС

Jarayon

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" каби ҳужжат Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг биронтасида ҳам ҳали қабул қилинмаган. У Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгиловчи, ҳам миллий, ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, кадрлар тайёрлаш истиқболини белгилаб берган дастуриламал бўлиб, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, ўқувчи шахсини шакллантириш муамолари масаласи унинг ажралмас бир қисмидир.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов "Фидокор" газетаси мухбири саволларига берган жавобларида:

"Биз фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур, токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган,замон тараққиёти билан тенг қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишсин", -дея таъкидлаган эдилар.

Бу сўзлар "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мустақил мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни баркамол шахс сифатида шакллантириш истиқболлари аниқ белгилаб берилганлидан яна бир бор гувоҳлик беради.

Мустақиллик берган энг катта имкониятлардан бири, бу шубҳасиз, таълимнинг давлат сиёсатида устувор мавқега эга бўлганлигидир. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, тўла маънода шакллантириш билан узвий боғлиқ узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутади. Уни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида мустақил фикрловчи шахс, эркин фуқарони тарбиялайдиган демократик таълим тизими вужудга келмоқда. Фикримизнинг далили сифатида ўтган 9 йил мобайнида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни кўздан кечириш кифоядир.

Вазирлар Маҳкамасининг 203,-204 қарорлари ижроси сифатида ДТСлари, айни шу стандартлар асосида яратилган дастурлар воситасида педагогик амалиётда тажрибасиновлари ўтказилмоқда. Ўтган икки ўқув йили давомида таълимнинг барча воситаларини синовдан ўтказиш бўйича илмий методик жиҳатдан асосланган яхлит механизм яратилди, ўқувчи ва талабалар билим, кўникма, малакалари, умумий тайёргарлик даражаларини баҳолашнинг ягона рейтинг тизими шакланди. Ҳукуматимизнинг 1996 йил 16 август 390 сонли қарори билан "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" тасдиқланди. Бу билан ўқув методик мажмуаларнинг янги авлодини, айниқса янги типдаги дарсликларни яратиш, янги педагогик технологияларни таълим амалиётида қўллаш, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида халқимиз миллий қадриятларига асосланган янги шаклларни излаш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш каби муаммолар устида кенг қамровли тадқиқотларни амалга ошириш сари йўл очилди.

Педагогика соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар марказида шахс, унинг имкониятларини рўёбга чиқариш муаммосининг илмий ечими туради.

Мустақиллик йилларида, энг аввало, шахснинг билим олиш, умуман, ривожланиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Ҳар бир фуқаронинг эркин тарзда касб-ҳунар танлаш, ижод қилиш, ривожланган мамлакатларда ўз билим ва малакасини ошириш имкониятларига эга бўлинганлиги билан бир қаторда, таълим соҳасидаги ислоҳотлар шахснинг интеллектуал жиҳатдан кўп томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам характерлидир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг бундай мақсадни кўзлаганлигида, давлат ва жамиятнинг комил инсон - шахсни шакллантиришдаги давлат сиёсатининг стратегияси намоён бўлади. Зеро, ақлий, интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб шакланган миллий мафкуравий, миллий ғоявий дунёқарашга эга бўлган баркамол шахсдагина мустаҳкам ирода ва эътиқод, собитқадамлилик ва миллий ғурур, Ватанга фидоийлик ҳамда тўғри, том маънодаги миллатпарварлик каби фазилатлар, эрк ва озодликка ҳурмат туйғуси таркиб топади. Албатта, бундай шахснинг ҳулқ-атворида диний ақидапарастлик, диний экстремизм, қатағон-террорга мойиллик қусурлари мутлоқ барҳам топиши табиийдир.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, аввалам бор, ҳар бир шахс умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими, олий ихтисослашган таълим стандартлари орқали сифатли, кафолатланган таълим олиш ҳамда касб-ҳунар эгаллаш ва билим олиш турларини ихтиёрий танлаш, узлуксиз таълим тарзида малака ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш каби энг демократик таълим хизматларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари ҳам яратиладики, худди мана шу ўринда "Шахс -хизматларининг асосий истеъмолчиси" деган тезиснинг туб моҳияти намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, мустақил давлатимиз ҳар бир шахсга таълим хизматларидан баҳраманд бўлиш имкониятини кафолатлади.

Таълимдаги ислоҳотлар эса мана шу хизматнинг энг замонавий, энг демократик, айни бир вақтнинг ўзида ўзбек халқининг тарихий тажрибаси, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилишига қаратилгандир. Таълим хизматларининг марказида ўқувчи шахсини шакллантириш вазифаси турар экан, бунинг учун:

биринчи навбатда, дарсликларнинг янги авлодида бериладиган ҳар бир ўқув материаллари ўқувчига кўпроқ маълумот ва ахборот беришига, ғоявий, миллий, мафкуравий дунёқарашнинг таркиб топишига, халқимизни ўтмиш ҳаёти, тарихий қадриятлари ва урф-одатларидан хабардор қилишига эришиш;

иккинчидан, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг миллий қадриятларимиз ва тарихий тажрибаларимизга таянган янги шаклларига асос солиш;

учинчидан, ҳар бир дарсда янги педагогик технология ва компьютер техникасидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

тўртинчидан, ўқувчининг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантириш;

бешинчидан, том маънодаги таълим-тарбия жараёнининг узвийлигини таъминлаш каби қатор долзарб муаммоларнинг илмий-амалий ечими устида жиддий илмий-тадқиқотлар олиб боришимиз лозим.

Ўқувчи шахсини шакллантиришнинг санаб ўтилган муаммолари устида мутахассис олимлар, хусусан, институтимиз ходимлари томонидан кенг кўламли илмий тадқиқотларнинг амалга оширилаётганлиги мустақил мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш сари қўйилаётган дадил қадамлардан далолатдир.

Ислом ТУРСУНОВ
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, профессор.

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

Tadbir

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейида яхши бир анъана шаклланган. Лицейнинг ҳар бир куни тантанали сафланишдан бошланиб, унда ўқувчилар мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим воқеалар, хориж хабарлари ва спорт янгиликлари асосида ахборотлар беришади. Аҳамиятли томони шундаки, ўқувчилар сўнгги хабарларни лицейда ўқитилаётган шарқ (араб, форс, ҳинд, япон, хитой) ҳамда инглиз тилларида тайёрлашмоқда.

Бундан ташқари лицейда турли хил мавзуларда ўтказилаётган учрашувларга таниқли сиёсий арбоблар, диншунос олимларни таклиф этиш ҳам одат тусига айланган. Яқинда лицейда бўлиб ўтган учрашувларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходимлари ташриф буюришди. Улар сиёсий воқеалар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

— Дин ниқоби остида халққа, Ватанга қарши курашаётган унсурларнинг йўли кесилди, — деди лицей директори Жалолиддин Нуриддинов. — Лицейимиз ўқувчиларини огоҳликка чақириш мақсадида бир қатор учрашувлар ташкил қилаяпмиз. Ўқувчиларимиз ислом дини нима, ҳақиқий ислом дини нималарга даъват этади, умуман диний оқимлар хусусида тўлиқ тушунчага эга бўлишлари учун ушбу учрашувларга мутахассис олимларни таклиф этмоқдамиз.

Бундан ташқари республикамиздаги вазият ва бўлиб ўтаётган воқеалар асосида ўқувчиларимиз бундан ҳам огоҳ бўлишлари лозим эканлигига хулосани ўзлари тўғри чиқариб олишлари учун суҳбатлар ўтказиляпти. Ўқувчиларимиз ўзларининг энг асосий вазифалари — илм олиш, интизомли бўлиш, халқига, ота-онасига муносиб фарзанд бўлиб етишишлари борасида шу суҳбатлардан тўғри хулоса чиқариб олаяпти. Бу борада лицейимизга ташриф буюриб, суҳбат ўтказаётган диний ташкилотлар вакиллари бир қанча тарихий ривоятларни ҳикоя қилиб беришди ва бу ўқувчиларимиз учун, албатта, ҳаётий сабоқ бўлмоқда.

Нурлан УСМОНОВ

Мустақил Ўзбекистон мана шу ўтган 9 йил давомида сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар; янгиланиш йўлидан бориб, ўзимиз тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган улкан зафарларга эришди.

Ўзингизга ҳеч "Амир Темур давлатининг куч-қудрати нимада эди" деб савол берганмисиз? Менимча, бунинг бош сабаби фуқароларнинг бирдамлигида, ўрнатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя этилганлигидадир.

ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан 1996 йилдан буён аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика, психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолалари анъанавий йиллик танлови ўтказиб келинмоқда. Бу танловлар кенг илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинмоқда.

2000 йилда ҳам амалдаги Низом асосида энг яхши илмий мақолалар танлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

1

2. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларида педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган 45 ёшгача бўлган аспирант, докторант ва илмий изланувчилар иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт гуруҳлар тузилиб, танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I, II, III ўринлар аниқланиб, вазирлик раҳбариятига мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар:

1. Танловга юборилган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган бўлиб, ҳажми 0,5 босма табоқдан ошмаслиги ва таҳриридан чиқарилган, 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёки компьютерда ёзилган бўлиши лозим. Танловга мақолалар 2 нусхада юборилади.

2. Илмий мақолалар билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳиятини акс эттирувчи 2 нусхада аннотация ҳам тақдим этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақолада кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

2

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хўжалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

Танловга юбориладиган мақолалар жорий йилнинг 1 декабригача Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш бошқармасига топширилади ва бу муддатдан сўнг юборилган мақолалар кўриб чиқилмайди. Танловга юборилган мақолалар, совринли ўрин олиш ёки олмаслигидан қатъий назар ўз эгаларига қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар матбуотда эълон қилинмаган бўлиши лозим ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари илмий-назарий, илмий-методик ҳамда аспирант ва докторантларнинг илмий анжуманларида эшитилиб, муҳокамадан ўтгандан кейин юборилади.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан:

Педагогикадан:

1-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида;

2-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида;

3-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида.

Психологиядан:

1-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида;

2-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида;

3-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида пул мукофоти, шунингдек, вазирлик тақдирномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

3

IV. Мақолаларнинг танловини ўтказувчи эксперт гуруҳи таркибини тузиш

1. Танловни ўтказувчи гуруҳга Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси умумий раҳбарлик қилади ва мавзуларнинг йўналишлари бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилиб, эксперт гуруҳини тузади.

2. Эксперт гуруҳи ишида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар.

3. Ўз илмий мақолалари билан танловда иштирок этган аспирантларнинг илмий раҳбарлари эксперт гуруҳи аъзоси бўлолмайдилар. Шу сабабли аспирантлар мақолалари аннотациясида ўз илмий раҳбарларини кўрсатишлари лозим.

4. Эксперт гуруҳи аъзолари имкониятга қараб моддий рағбатлантириладилар.

Мурожаат учун телефонлар: 139-40-84; 139-12-50.

4

Эшитдингизми?

Пойтахтимизда "Маънавият" нашриётининг китоб дўкони очилди. Ундан сиз халқимизнинг бой маънавий-маърифий мероси дурдоналари жамланган китобларни, ҳозирги адиб шоирларимизнинг янги асарларини, шунингдек, турли хил плакатларни, ёзув-чизув қуролларини харид қилишингиз мумкин.

Навоий кўчаси 16 уй.(мўлжал Миллий матбуот маркази)
Тел:136-57-33, 144-36-32

Маънавият дурлари билан ёшларимиз қалбини бойитишдек эзгу ишни зиммасига олган азиз муаллимлар, тарбиячилар ва мураббийлар!

Сизларни яқинлашиб келаётган "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз. Оллоҳдан барчангизнинг хонадонингизга фаровонлик, ўзингизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!

" Маънавият " нашриёти!

Болажонсиз, устозлар, Жонажонсиз, устозлар!

Маълум бўлдики, жарима миқдори қонун бўйича 13 минг ёки 1 минг 300 рубл ҳам эмас, 8 рубл 30 тийин экан

Ma'rifat

ГЕРМАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Халқ амалий санъати жаҳонга гўзаллик ва жозиба бағишлайди. Унда нафосат тарбиясининг асосий манбалари, гўзаллик туйғулари ўз ифодасини топган. Шунингдек, табиат гўзалликларини ва бойликларини тўғри тушуниш ва қадрлаш меъморчиликни, тарихий обидаларни эъзозлаш, бой меросимизга ҳурмат билан қараш, асраб-авайлаш туйғусини тарбиялайди.

Яқинда куни Германия Крефельд амалий санъат университети профессори, доктор Разевита Заксе Шадт ва Рольф Заксе К. Бехзод номли миллий рассомчилик дизайн институтига ташриф буюриб, янги ишлаб чиқилган моделлар ва Германиядаги дизайн таълими тўғрисидаги маълумотларни

Классик модернизм санъатидаги уч ҳолат «Мебель тарихи», «Дизайн тарихи», «Германиядаги дизайн таълими», «Дизайнда мултимедия» каби маърузаларда амалий ва назарий жиҳатдан кўрсатиб бердилар.

Институт педагоглари ва талабалар анча маълумотларга эга бўлдилар. Учрашувдан кейин германиялик меҳмонлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Башорат ҲАКИМОВА,
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2000 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари — 2.10.2000 — 28.10.2000.

2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 2.10.2000 — 28.10.2000.

3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари — 2.10.2000 —28.10.2000.

4. Мактабгача таълим муассасаси психологлари — 2.10.2000 — 21.10.2000.

5. Мактабгача таълим муассасаси нутқ-нуқсони бор болалар тасвирий фаолият ўқитувчилари — 2.10.2000 — 14.10.2000.

Курс давомида тингловчиларни таниқли педагоглар — олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва "Темурийлар тарихи" ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткали ва йўл ҳаражатлари курс томонидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент - 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6 уй.

Транспортлар: Жанубий темирйўл вокзалидан 8-трол. "Талабалар шаҳарчаси" (охирги) бекат.

Bolalar bog'chalari sahnasi uchun

АССАЛОМ, УСТОЗЛАР!

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Мазкур санани муносиб кутиб олиш учун республикамизнинг барча билим даргоҳларида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Чунончи, қуйида пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 534-болалар боғчасининг мусиқа раҳбари Феруза Шоисоқованинг "Ассалом, устозлар!" мавзуидаги сценарийсини муштарийлар ҳукмига ҳавола қилаётирмиз.

Байрамона кийинган болалар қўлларида гуллар билан мусиқа садолари остида залга эркин кириб, ярим доира шаклида туриб оладилар.

Бошловчи:
—Бугун қаранг, боғча залимиз,
Безанибди яна ҳам гўзал.
Бугун байрам, катта тантана,
Барчамизчун тўй, шодиёна!
—Азиз устозлар, ширин-дан-шакар болажонлар! Бугун юртимизда катта тантана. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Биз ҳам ўз боғчамизда ҳормай-толмай меҳнат қилиб, ўз билим-малакаларини сиз кичкинтойларга ўргатиб келаётган азиз устозларимизнинг ҳаммаларини ушбу айём билан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик ва ишларига файзу барака тилаймиз!

1 бола:
—Ассалом, устозлар
Меҳригиёлар.
Юраги қуёшу,
Қалби дарёлар.

II бола:
—Сизга ҳам меҳмонлар, дилдан эҳтиром
Қўлларимиз кўксимизда деймиз:

Ҳамма:
Ассалом!

III бола:
—Ассалом давранинг қарию-ёши,
Давранинг меҳмони ҳамда йўлдоши.
Азиз устозларга таъзим ва калом,
Қўллар кўксимизда деймиз:

Ҳамма:
— Ассалом!

"Диёр мадҳи" қўшиғи ижро этилади.

I бола:
— Ёшларга кўп меҳрибон
Қалбингиз қайноқ дур, кон.
Бизларга билим берган
Ҳар сўзингиз жонажон.

Ҳамма:
—Болажонсиз, устозлар,
Жонажонсиз, устозлар!

II бола:
— Бизларни гоҳ ўйнатиб,
Санашни ўргатдингиз.
Ашулалар куйлатиб,
Одобни ўргатдингиз.

Ҳамма:
—Болажонсиз, устозлар,
Жонажонсиз, устозлар!

III бола:
— Юз ёшдан ҳам ошасиз,
Дарё янглиғ тошасиз.
Қачон кўрсак шод, қувноқ.
Бизни кутиб оласиз.

Ҳамма:
—Болажонсиз, устозлар,
Жонажонсиз, устозлар.

Кичкинтойлар "Боғча опам" қўшиғини ижро этишади. Сўнгра қўлларидаги гулларни боғча опаларига, меҳмонларга тақдим этиб, жойларига ўтириб оладилар.

Бошловчи:
— Азиз устозлар! Бугун кичкинтойларимиз ижро этадиган қувноқ қўшиғу шеърлар ҳамда ажойиб рақслар сиз азизларга бағишланган-дир. Марҳамат, тинглаб дам олинг.

I бола:
— Устоз меҳрибон,
Мунис жонажон.
Ғамхўр меҳрибон,
Тарбиячимиз!
Тутқазиб қалам.
Ўргатиб кам-кам.
Тарбия берган,
Тарбиячимиз.
Ўзи бир дунё,
Сўзлари зиё.
Тарбия берган,
Тарбиячимиз.

Магнит тасмасида "Муножот" куйи майин янграб, даврага мутафаккир шоир Алишер Навоий кириб келади.

А.Навоий:
— Во ажаб, бу не ҳол, тағин базмму,
Ҳамма шоду хуррам, ўнгми тушимму.
Ушбу лобар қизлар маликаларму?
Йигитчалар кимлар, шаҳзодаларму?

(У ёқ-бу ёққа қарайди)

Бошловчи:
— Хуш келибсиз, азиз устоз, ассалом!
Хуш тавозе бахтли устоз ассалом!
Даврамиз тўлгай байрамлар кунига,
Чунки сиз бор ҳурматли устоз, ассалом!

Ассалому алайкум, ҳазрати Алишер Навоий бобо! Аввало хуш келибсиз!

Ушбу лобар қизлар маликалар эмас, йигитчалар шаҳзодалар ҳам эмас. Булар биз-нинг боғча болаларимиз. Бугун бу ерда катта шодиёна, меҳрибон устозларимиз байрамини нишонлаяпмиз.

Марҳамат, ўтириб азиз меҳмонимиз бўлинг *(А.Навоий болалар билан саломлашади).*

А.Навоий:
— Баракалла, азизларим, устозларни ҳар қанча эъзозласак ҳам оз.
—Бошни фидо айла ото қошиға
Жисмни қил садқа оно бошига.
Қани, болажонларим, устозларингиздан нималар ўргандингиз?

I бола:
— Бобожон, ҳозир биз сизнинг ҳамда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий боболаримизнинг пурҳикмат сўзларидан айтиб берамиз.

II бола:
— Одамлар ақлининг чироғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим.

III бола:
— Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг бас.

IV бола:
— Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Бир кун ўзи ҳам бўлғуси устод.

V бола:
— Мазлумлар дилини оғритма бир зум,
Балки бир кун ўзинг бўласан мазлум.

VI бола:
— Устод, муаллимсиз қолса гар замон,
Нодонликдан қора бўлади жаҳон.

VII бола:
— Илмдан яхшироқ хазина бўлмас, Тўғри йўлаб, тўғри юрган ҳар киши,
Билгилки, маҳкамдир унинг ҳар иши.

Болалар ҳикматли сўзларни ўзбекона таъзим билан қўлларини кўксига қўйиб ижро этадилар.

Қизлар ижросида: "Каштачилар" рақси. Ўзбек халқ сўзи ва куйи.

А.Навоий:
—Балли, эй дили поклар,
Фан-билимга чанқоқлар.
Миннатдормен сизлардан.
Бахтли ўғил-қизлардан.
Баракалла, болаларим, сизлар жуда ҳам ақлли, доно бола экансизлар. Мен сизлардан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Устозларингизга раҳмат, уларни ҳурмат қилинг! Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги учун муносиб ворис бўлиб етишинг!

Хайр энди, азизларим, мен ўз замонамга қайтайин (чиқиб кетади). *Байрамона ўйин-кулги давом этади. Байрам якунида бошловчи сўзни боғча мудирасига беради.*

Мудира:
— Эй кичкинтой, ширинтой,
Чеҳранг тиниқ мисли ой.
Ушбу шеърим тинглагин,
Мағзин чақиб англагин.
Сен ватаннинг қувончи,
Истиқболи, ишончи.
Аъло ўқиб билим ол,
Авлодинг ким, билиб ол.
Туркий қавмдир авлодинг,
Хўжа Аҳмад аждодинг.
Доим ҳақни сўзлагин,
Юрт равнақин кўзлагин.
Ҳур диёрдир имконинг,
Ҳар ишга бор маконинг.
Юртингни обод айла,
Аждод руҳин шод айла.
Шудир сенга тилагим,
Соғ бўл юртга керагим!

Тадбир оммавий рақс билан якунланади.

Xullas...

БИР ЙЎЛА 8 ЧАҚАЛОҚ

Узоқ йиллардан бери фарзандсизликдан изтироб чекиб юрган сицилиялик хонимнинг ҳаётида муъжиза руй берди. Бир йўла 8 чақалоқ! Кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳодиса! Худо бераман деса, эрта-кечи йўқ экан-да..

"Би-би-си" радиостанцияси орқали реклама қилинган дори-дармонлар-Мариэлланинг ошқозонига неча йилдан бери тушса-да, наф бермаётган эди. Охир-оқибатда аёлнинг оху нолалари Оллоҳга етиб борган шекилли.

Дастлаб 495 граммлик чақалоқ (қиз туғилиб), орадан турт кун ўтгач таажжуб, кетма-кет етти чақалоқ "инга"лаб, ёруғ оламга чиқди. Шифокорларнинг кўп уринишларига қарамай, энг охирги болани асраб қолишнинг иложи бўлмади. Беш қиз ва икки ўғил бола эса соғомон.

"НАЗОРАТЧИ"ЛАР ҲАЗИЛИ

Агар Қозон шаҳридаги троллейбусларда чиптасиз юрган йўловчидан назоратчилар 13 минг рубл жарима тўлашини талаб қилишса, билингки, бу — ҳазил. Яна ҳам туғироғи, товламачиларнинг ҳазили.

Бундан мутлақо хабари бўлмаган аёл назоратчиларга "тушиб" қолди. "Текширувчи"лар бури қаршисида турган қўёндек титраб-қақшаётган айбдорга раҳм-шафқат қилишиб, жарима миқдорини бажонидил ўн бараварга қисқартиришди, яъни 1 минг 300 рубл. Бу яхшиликдан юраги ёрилаёзган аёл уларни уйигача эргаштириб, айтилган пулни бериб юборди.

Аёлнинг турмуш ўртоғи милицияга хабар берганида маълум бўлдики, жарима миқдори қонун бўйича 13 минг ёки 1 минг 300 рубл ҳам эмас, 8 рубл 30 тийин экан...

ЕГАН ОҒИЗ УЯЛАР

Хитойнинг Вэй Хан шаҳридан Россиянинг Сочи шаҳрига борган тадбиркорлар қойилмақом даражадаги ресторан очишди. Давлат думасининг депутати Виталий Севастьянов ресторанинг илк ҳурандаси сифатида роса сийланди. Амалдор билан ресторанга ташриф буюрган жаноблар "Рус ва Хитой халқининг абадий қардошлиги учун!" қадаҳ кўтаришди.

Эртаси куни ресторанга милиция формасидаги бир нечта киши кириб келди. Улар истеъмол бозоридаги тартибсизликларни назорат қилувчи милиционерлар эди. Ресторан маъмуриятига айб ҳам топила қолди: касса аппаратларидан фойдаланилмаяпти, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини тасдиқловчи сертификат йўқ.

Гапнинг қисқаси, маҳаллий ҳокимиятнинг энг катта амалдори таклиф этилган жойга курорт ички ишлар бошқармаси раҳбарлари ҳам таклиф этилиши керак эди.

Бу воқеа "Еган оғиз уялар" деган мақолни эслатади. Ресторанда меҳмон қилинмагач, ички ишлар бўлими идораси ходимлари қилдан қийиқ ахтаришган-да...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ЯРИМ ФИНАЛ

Олимпиада футбол турнирида ярим финалчилар аниқ бўлди. Унда Испания—АҚШ ва Чили—Камерун терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Аёллар ўртасида эса Норвегия ва АҚШ терма жамоалари финалда куч синашади.

МЕДАЛЛАРГА БИР ҚАДАМ

Сидней-2000 ўйинларида асосий умидларимиз қаратилган боксчиларимиз медаллар сари яқинлашиб боришмоқда. Алишер Раҳимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Руслан Чагаев ва Рустам Саидов чорак финал баҳсларига тайёрланишмоқда. Унда ғалаба қозонишса, камида бронза медали соҳиби бўладилар.

АҚШ, ХИТОЙ, РОССИЯ...

Жаҳоннинг энг йирик, нуфузли давлатларнинг спортчилари ҳам олимпиада ўйинларида олдинги сафларда боришмоқда. Медаллар йиғиш баҳсида 25 сентябргача АҚШ 21 олтин, 12 кумуш, 20 бронза, Хитой 18-14-12, Россия 12-11-16 кўрсаткич билан пешқадамлик қилишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

"Жар" спорт мажмуида 2004 йилги олимпиада ўйинлари дастурига илк бор киритилган каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 700га яқин спортчилар иштирок этиб, Тошкент шаҳридаги "Каратэ" клуби умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар, "Азамат-Карим" ва Қарши клубларига касиб этди.

"НАВБАҲОР"ДА ЎЗГАРИШЛАР

"Навбаҳор" жамоасидаги сўнгги кунлардаги вазиятдан хабарингиз бор. Чора кўрилиб, "иш ташлаган" футболчилар жаримага тортилди. К.Гальченко клубдан четлаштирилди. Жамоа раҳбарлари ҳам ўзгарди, Амет Мамет бош мураббий этиб тайинланди.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖЛАР ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ

"ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЎҚИШ ВА ЁЗИШ" ДАСТУРИДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ТФЎЁ (RWCT) лойиҳаси Ўқиш халқаро Ассоциациясининг ўқитувчилар гуруҳи томонидан (Шимолий Айова Университетлари ҳамда Вильям ва Мэри коллежлари билан ҳамкорликда) Очиқ Жамият Институтининг қўллаб-қувватлаши натижасида ишлаб чиқилган.

Таълимда ошкора демократик муҳит ғояси асосида тузилган лойиҳа Сорос фондининг қўллаб-қувватлаши билан 21 мамлакатда ва маҳаллий таълим муассасаларида ривожланмоқда.

Энг янги, илғор педагогик тажрибалар жамланган лойиҳада асосий жиҳат шундаки, у таълим бериш усуллари ва фикрлашларни зўр таъсирга эга бўлган педагогик услубларни муҳокама этишнинг назарий ва амалий асосини таъминлайди.

Универсал услубий ёндашганлиги боис, лойиҳа мактаблардаги каби (ҳар қандай синфда ва хоҳлаган дарсда) олий ўқув юртларида ҳам жорий этилиши мумкин.

1999-2000 йилларда ОЖИ - Ўзбекистон томонидан 2000-2001 ўқув йилининг янги иштирокчиларини ўқитиш учун 30 кишидан иборат гуруҳ тайёрланди. Ўқиш 4 та семинардан иборат бўлиб, йил давомида чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида маҳаллий тренерлар томонидан ўтказилади.

Иккита гуруҳ йиғилади:

1. Ўзбек тилида дарс берувчи мактаб, лицей, коллеж ўқитувчилари. Ҳудудий иштирокчиларга имтиёзлар берилади.

2. Ўзбек ёки рус тилларида дарс берувчи олий ўқув юртлари ўқитувчилари. Ҳудудий иштирокчиларга имтиёз берилди.

Агар Сиз лойиҳа билан қизиқиб қолсангиз ёки унинг иштирокчиси бўлишни хоҳласангиз, Очиқ Жамият Институтининг қуйидаги манзилидан олинадиган аризани тўлдиришингиз мумкин:

Тошкент-700091, Зарбоғ кўчаси 31.

Агар Сизда саволлар туғилса ёки лойиҳа ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз, биз билан қуйидаги телефонлар орқали боғланишингиз мумкин: 1523916 / 1523698/ 1522741 ёки электрон почта орқали ёзинг: natela @ osi.uz.

Аризаларни топширишнинг охирги муддати 2000 йил 25 октябргача.

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Янглиш ЎРАЗАЛИЕВА!

Сизни ва Сиз орқали Бахмал туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчилари жамоасини яқинлашиб келаётган устозлар байрами муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Ҳамиша сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳридаги бир гуруҳ шогирдларингиз номидан Моҳидил ШЕРМОНОВА ва Сурайё ҚОБИЛОВАлар

Ҳурматли Анвар ШОҒДОРОВ!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан табриклаймиз ва жамоамизнинг аҳил бўлиб кўзланган мақсадларга эришишидаги одилона хизматларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Ёшларимиз келажагини ўйлаб амалга ошираётган меҳнатингиз янада самарали бўлаверсин.

Доимо соғ бўлиб, фарзандларингиз камолини кўриб юринг.

Пойариқ туман халқ таълими бўлими ва 25-ўрта мактаб жамоаси

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг октябр ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

ТОИФАЛАР	қайси тилда	курс ўтказиш вақти	муддати
1. Умумий ўрта таълим мактаб директори курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти)	ўзбек	2-28	24
2. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география)	ўзбек	2-28	24
3. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги химия, биология ва физика)	ўзбек	2-28	24
4. Умумий ўрта таълим мактаб директори курси (мутахассислиги математика ва информатика)	ўзбек	2-28	24
5. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар)	ўзбек	2-28	24
6. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар)	ўзбек	2-28	24
7. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	ўзбек	2-14	12
8. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси(директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар)	ўзбек	16-28	12
9 Туман (шаҳар) ХТБ табиий фанлар бўйича методистлар курси	ўзбек	2-28	24
10 ЧЁТ раҳбарлари	рус	16-28	12
11 Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари (кураш бўйича)	ўзбек	2-14	12
12 Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирининг маънавият ва таълим-тарбия ишлари методистлари	ўзбек	2-14	12
13 Мактабдан ташқари таълим мажмуаси (ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ва директор ўринбосарлари)	ўзбек	16-28	12
14 Умумий ўрта таълим мактаби логопедлари	ўзбек	2-14	12
15 Ёрдамчи мактаб-интернат она тили ва бошланғич таълим ўқитувчилари (Тошкент вилояти)	ўзбек	16-28	12
16 Янги информацион технологиялар бўйича дарс ўтиш: физика, математика ўқитувчилари	ўзбек	16-28	12

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи, фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар янги ўқув режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, хотира, Шаҳидлар майдони ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг талабалар шаҳарчаси бекатигача.

Глиэр номидаги РУМММ интернати жамоаси шу мактабнинг Торликамонли чолғулар бўлими бошлиғи О.Акбаровнинг падари бузруквори

ЙЎЛДОШ ота

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Глиэр номидаги РУМММ интернати жамоаси шу мактабнинг ходими Ўткир Исматованинг укаси

Шуҳрат ИСМАТОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-817. Тиражи 19.037. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.30.